

УКРАИНА

МАРҲАБО

Қўшили юртимизда катта байрам. Қардош украин халқининг моҳир санъаткорлари, эҳко қалам соҳиблари,

атоқли маданият арбоблари меҳмонимиз бўлиб келишляпти. Биз уларни гуллаш бийримиз ноз-неъматлари билан кутиб олар эканмиз. «Марҳабо, азиз дўстлар!» деймиз.

Украин адабиёти ва санъатининг декадаси республикамиз маданият ҳаётида катта воқеадир. Декада мамлакатимиз халқлари қароқчилигининг ёрқин намунаси бўлади. Украина ва Ўзбекистон халқлари Октябр кўшидан баҳраманд бўлиш, биргаликда коммунистик жамият қуришга оғ-ини, қон-қариндош халқлардир.

Бошқа қардош республикалар халқлари каби Украина ва Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунистик жамият қуришда бир-бирларига кўмаклашиб келмоқдалар. Ҳар иккала республика даладарда, саноат корхоналарида, ўқув юрларида, маданият муассасаларида бу ажойиб дўстлик ва биродарликнинг ёрқин намуналарини кўриб турадилар.

Бугун Тошкентда украин халқининг азиз меҳмонларимизни чин юракдан таъриқлаймиз — маданият байрами билан уларни муҳаббат билан эътибор билан кутиб олар. Украин халқининг маданияти атоқли ёзувчилар ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилади. Бу учрашувларда маданият алоқаларимизни янада ривожлантириш, ижодий таъриқларимизни ўрнатилиши ҳақида баҳаслашадиган фикрлашиб оламиз.

Декада муносабати билан, республикамизда қизғин тайёроқлик олиб борилади. Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларда меҳнаткашлар украин халқининг маданияти билан учрашувлари кўтмоқдалар. Биз уларга айём — Украина адабиёти ва санъати декадаси кўнлариди дўстларимизга сўхат-саломатлик ва янги ижодий муваффақиятлар ис-тоймиз.

УЎЎҒУН,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

ҚЎЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА


Украина санъати ва адабиёти ўн кўнлиги ҳар иккала қардош халқлар ўртасидаги бузилмас дўстликнинг рамзидир. Биз сержуеи республикамиз санъаткорлари номидан украин халқининг ҳамкасбларимизга хуш келибсиз, азиз дўстлар, деймиз.

Бизлар Украинанинг тўққизиланб турган олтин деңгизи — бугдойзорларини, ям-яшил ўрмонларини яхши биламиз. Ўзбекистон Давлат филармониясининг халқ чолгу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбли, «Баҳор» Давлат рақс ансамбли Украина диёрида бирнеча марта бўлган. Украинлар бизни нон ва туз билан, чексиз қалб ҳарорати билан нарши олганлар. Уларнинг санъаткорларимизни олишшлаб гудиратган қарсақлари ҳали ҳам қўлоқларимиз остида жаранглайди.

Мана бугун Украина санъаткорлари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Ишончимиза қўйлик, Тошкент санъатчилари, Чирчиқ кўнларлари, Охандарон қончилари, областимиз пахтакорлари ҳам уларни савимият ила нарши оладилар.


Марҳабо дўстлар! Қўлимиз кўксимизда!

Мукаррама ТУРҒУНБОВЕВА,
ТАМАРАХОНИМ,
СССР Халқ артистлари,
Муҳаммаджон МИРЗАЕВ,
Салоҳиддин ТҲҲАТСИНОВ,
Республикада хизмат кўрсатган артистлар,
Н. ИНОҚОВ,
кекса санъаткор.



Украинанинг таниқ-ли расмони Касиян чизган В. И. Ленин портрети.

Пастдаги суратда эса Украина ССР халқ хунарамандлари томонидан ишланган Т. Г. Шевченконинг тасвири чизилган кўза.



ЯГОНА ОИЛА МЕҲРИ

Халқлар дўстлиги уларнинг маданият қардошлигини, вужуға келтирди. Ўзбекистон ва Украина адабиётларининг ўзаро алоқаси узоқ вақтдан буй мустақам ва традицион бўлиб келди. Ўзбек ўқувчиси украин халқи адабиёти билан яқиндан таниш. Тарас Шевченко ва Лесь Украинка, Павло Тичина ва Микола Бажан, Микола Терещенко ва Андрей Малишко, Платон Воронько ва Дмитро Павличко китоблари, Иван Ле ва Олесь Гончар, Александр Ильченко ва Михайло Стелмак бадий прозаси, Ҳамза ва Ҳамид Олимжон, Гафур Гулом ва Зулуфнинг шеърли тўпламлари, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор, Парда Турсун ва Шароф Рашидов романлари, повестлари ва ҳикоялари билан бир наторда сеvimли китоблар бўлиб қолди.

Иккала адабиётнинг энг яхши вакиллари Ҳамза меҳнаткаш халқининг ҳаёти билан

яқиндан алоқада бўлиб келди-лар, уларнинг асарлари ин-терационал харахтер касб этди. Иккала адабиётини ҳукур гуманизми, оддий инсонга бўлган зўр қизиқиш бирлаштириб туради.

Украин адабиёти наби ўзбек совет адабиёти ҳам рус адабиётининг самарали таъсиридан баҳраманд бўлиб келмоқда. Иккала адабиётнинг рус таржмалари иккала қардош халқ бадий сўзини бепоён Ватанимизнинг барча ўқувчилар омма-сига яқин ва қардон қилмоқдалар.

Микола Бажанин Ўзбекистон билан қадимий мустақам дўст-лик иллари боғлаган.

1947 йил у Навоийнинг достонини украин тилига таржима қилган. Украин шоири ўз-бек инсонпарвар шоирининг граждон пафосини, озолини севиб туйғусини ўз ўқувчиси-га етказиб берган.

М. Бажаниннинг меҳнати Укра-

инининг улуғ ўзбек шоири юбилейига қилган муносиб совғаси бўлди. Ўзбек санъати-нинг Москвадаги биринчи де-кадасидан сўнг мўн ўтмай укра-ин шоирининг шеърли цикли: «Богдон», «Раққоса», «Темир маңбараси» босмадан чиқди.

«Фарҳад ва Ширин» достонининг украинча таржмаси билан бир вақтда Украинада ўз-бек шоирларининг «Шаридан Фарба» деб аталган шеърлар тўплами босмадан чиқди. Бу тўпламдан Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Ҳасан Пулат, Амин Умарий, Зулуфнинг 35 та асари жой олган. Тўпламга кекса украин эзувчиси Иван Ле редакторлик қилган. ўзбек шоирларининг шеърларини Микола Терещенко таржима этган. Бу икки аjoyиб сўз устасининг ҳам-корлигида меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак. Иван Ле ва Микола Терещенко ўзбек-украин адабий алоқаларини мустақамлаш ишига бебаҳо ҳисса қўшди.

1928—1933 йилларда Иван Ле Ўзбекистон ҳақида «Тоғ оралиги романи» китобини яратди. Олесь Гончарнинг сўз-ларига қараганда, ўзбек эзув-чилари Ленин бу асарини ҳақиқий равишда ўзбек ада-биётига қўшилган ҳисса деб баҳоладилар. Бу нег қўла-даги энг полотно эш республи-каннинг «меҳнат ва жанг»-ни қардон иллагини тасвирла-ган. Салди Али Мухомов, Исе-жон, Синявин, Назар, Аполлат-хон ва китобнинг бошқа ҳа-рамонлари образлари ҳозирги кунда ҳам ўзбек ўқувчилари-нинг фиру-уй ва қалбларини ҳалқонга солиб келди. Кучи қирқилган, қолдан тойган бос-мачилар ва фанатик миллатчи-лар чет элли «меҳмонлар» бил-лан алоқада бўлиб яширин ҳо-да энг яхши ишларимиздан на-сос олишга уринадилар. Бу-юк революционер шоир, дра-матург, жамоат арбоби, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳамидовда Нийзий улар-нинг қурбони бўлади. Ҳамза.

Рассом Л. И. Дю-лисинг «Юнажон дй-ер» полотносини кўр-сангиз Украинанинг чексиз бугдойзорлари, саҳоватли баҳор нафа-си туркираб кетганди бўлади. Суратда: Л. И. Дюлис ишланган «Ю-нажон дйер» расми Пастдаги суратда э-ст-ролди шоирнинг арти-стларини кутиб олиш пайти.

А. Абалин репродук-циялари.

А. Палехов фотоси.

нинг номи роман саҳифалари-да ахён-ахёнда учрайди. Мо-зор-Дихонда бўлган митинг саҳ-насидагина у ўқувчи кўзи ол-дида равшан намоён бўлади. «Еш, офтобда пишган чехра-сидан ирода, қатъийлини сези-либ турган йигит». Мирзаҷул-канали қурилишида ишлайтган ёш инженер ирригатор Иван Леонтьевич Мойсе (Иван Ле) хотирасида Ҳамза ана шундай киши бўлиб қолади.

Иван Ле Ҳамза образига бир неча марта муносабат қилган. У шоирнинг ҳалок бўлганига 20 йил тўлиши муносабати би-лан «Ҳамза» очеркнини босиб чиқарган.

«Мен Ҳамза билан икки мар-та учрашиб шарафига мунс-сар бўлганман, — деб ёзган эди Ле. — Бу 1926 йилда бўл-ган эди. Ана шу вақтда мен «Тоғ оралиги» романини ёзишга киришган эдим. Ҳамза мендан атғи олти ёш наторда эди. Ленин бу олти ёш Ҳамза-нинг энг маҳсулдор, жанговар йиллари бўлган».

Украин шоири ва таржмани Микола Терещенко ҳам Ҳам-зага ўзининг машҳур сонетларидан бирини бағишлаган эди.

Терещенко ўзбек шоирлари асарлари-ни украин тилига таржима қилишда жуда катта ҳисса қўшган. Ўзбек классик поэзияси ва «Шаридан Фарба» шеърлар тўпламига кирган шеърли таржималар билан бирга у Ойбекнинг «На-вой» достонини ва бир қатор шеърларини таржима қилган. Ўзбек шоирлари Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Зулуф, Мирмуҳсин, Ҳасан Пулат, Уйғун, Темир Фаттох, Мақсуд Шайхон ва бошқалар унинг тисмолида яқин ва содиқ дўст, талантли таржмон ва танқид-чиня қурдилар.

Иван Ле Мирмуҳсиннинг бо-лаларга аталган ҳикояларини таржима қилган. Унинг тарж-малари содаллиги, раволиги ва образларнинг равшан тас-

вирлиниши билан анралиб ту-ради. Шу тўғрйи ҳам украин болалари ўзбек эзувчсининг ҳикояларини оригинли билан таниш бўлган ўзбек болалари сингари сеvim қолдилар.

Таниқли украин эзувчиси Андрей Головно Абдулла Қаҳ-ҳорнинг «Шохи сўзана» юме-дилияни муваффақиятли тар-жима қилган. В. Гнатосний, Г. Новаленко, И. Шчербин, В. Скоробогатовнинг ўзбекчадан таржималари ҳам яхши-дир. Ўзбек бадий сўз устала-рининг ижодлари ҳақида тан-қидчи ва адабиётшунослардан М. Плисецкий, М. Шевченко, М. Карпенко, В. Михайлов, И. Про-кофенко зўр қизиқиш билан ёзишган.

Ўзбекистон адабиётчилари украин дўстларимизни табири-лаш билан хурсандидилар. Добро помалувати, любі ук-раїнські друзи!

Хуш келибсиз, азиз украин дўстларимиз!

А. КЛИМЕНКО.

ЎЗБЕКИСТОН

Й И Р О Қ Л А Р

Петро ДОРОШКО.

Сибирда ўн минглаб чанрим йироқлар, —
Бу — меннинг йулимдир. Тайга. Бўз туман.
Тизилиб ётибди олмосдай тоғлар.
Кенглик.

Екутистон.

Кенглик — океан,
О, Сибир! Бағринг кенг, йўл бекиҳол...

Қанийди агарда келса қўлимдан:
Кўнларни узайтиб,

пойма-поя.

Мен сенда незардим тинмай йулимдан.
Қанийди, умримни сайрингда кечсам,
Қишу ёз узилмай кучоқларингдан,
Қонгунча шимириб сувингни ичсам

Жўшқинли манбаи — булоқларингдан,
Сенинг тоғ жинсинга тақлид қилсам-у,
Кўксини мотинден бўлдирсам дейман,
Қалбимга шаршара, ўрмон, дарё, сув
Ва халқинг қўшигини тулдирсам дейман,
Қанотли еларинг бўлса илҳомчим,
Қаршимда шалоланг сачратса учқун,
Менинг ҳам қўшигим — қайноқ қалб томчим
Келажан йилларга етсинлар учун, —
Сибирга ўхшасам дейман саботда.
Янги парвозларга отлансам дейман.
Сибирден қудратли, ишончли, содда
Кенгликни забт этиб, шодлансам дейман.
ШУНҚОР таржмаси.



МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ҳар бир миллат бошқа миллатлардан ўрганиши, мумкин ва зарур, бу унинг тарихий йўлидир. Мамлакатларини қамайтиради. Карл Маркснинг бу фикри қўлишлатили совет адабиётинида қўлиш мураккаб про-цессларни тўлиштириб беради.

Чунинчи, ўзбек адабиёти сўнги бир неча йил ичида жанрлар раи-барамлиги, маҳорат, бадий қудрат жиҳатидан асарлар буйи шак-ланган йирик адабиёт даражасида кўтарила олган экан, бундай жадал-ликни биринчи салда халқаро адабий ҳамкорлик, адабий алоқалар ва ўзаро бир-бирини боғитиш имкониятлари билан изохлаш керак.

Ўз миллий қўлишга қўйқан адабиётнинг ривожланмаслигини Бе-ликский ҳам уқтирган эди. Ҳақиқатан ҳам, айниқса Октябрдан кейин рус ва украин адабиётлари сичари, жаҳоний ҳазиналарга кенг йўл очилиши, бу бой адабиётлар билан бевосята ҳамкорлик имкониятлари, адабий дўстлигимиз бизнинг чексиз бахтимиз, порлоқ тақдиримиздир.

Бугун Ўзбекистонда украин адабиёти ва санъатининг ўқинилиши бошланади. Биз ёзувчилар бундай воқеаларга аввало маҳорат мактаби деб қараймиз. Чунки, таърибада қўрилагандек, бизга меҳмон бўлиб ке-ладисан касбдош дўстларимиз жаммаёт ўз йўлари, режалари, ишчан кайфиятлари билан келадилар, бизнинг ижодий лабораторияларимиз ҳам улар учун доим очик.

Бу сафар биз Ленин мукофоти лауреатлари Олесь Гончар, Михайло Стелмак, атоқли совет драматурги Александр Корнейчук каби илгир-мадан ориқ йирик совет санъаткорларини кутмоқдамиз. Уларнинг кўнлар-бизнинг республикамизни биринчи марта қўридилар. Аммо ўзбек китоб-хонлари бу моҳир сўз санъаткорларини гоийбдан яхши биладилар. Чун-ки «Байроқдорлар», «Тронка», «Исон қони сўз эмас» сингари асарлари ўзбек китобхоналари орасида кенг тарқалган. Александр Корнейчукнинг

«Платон Кречет», «Макар Дубрава» сингари асарлари ўзбек саҳналари-да кўрсатилган.

Меҳмонларимиздан атоқли адиб Иван Ле ва шоир Николай Уша-ков бизнинг ёзувчиларимиз Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғунлар билан кўп йиллардан бери дўстона ижодий ҳамкорлик қилиб келадилар. Иван Ле 20-йиллардаёқ Ўзбекистонда қўрувчи-инженер бўлиб ишлаган. «Тоғ оралиги романи» десан асар ёзган эди. Республикамизда барча ирригацион ишчиларга қўрилаганини ўша вақтдаёқ олдиндан қўриб кўксак оптимистик руҳ билан ёзилган бу китоб кўп йиллардан бери ўзбек тилида сеvimли бўлади. Николай Ушаков сўнги йилларда Муқими. Собир Абдулла, Уйғун шеърларини таржима қилди.

Адабиётларимиз ўртасидаги бундай алоқалар ва бевосята ҳамкор-лик бизнинг қўндалик амалий ишимиздир. Бу гал ҳам атоқли меҳмон-ларимиз билан амалий ижодий ишларимиз ҳақида бафўржа саллашиб олмақчимиз. Чунинчи, прозаикларимизни М. Стелмак романларидаги пилат иродали коммунист образларини яратди таърибаси, Корнейчук ижодиданги миллий ва интернационал руҳ, О. Гончар романларидаги композиция маҳорати ва бошқа кўлини ижодий масалалар қизиқ-тиради.

Ўқиниликнинг прогаммаси кенг. Украин ёзувчиларининг китобхон-лар билан учрашувлари ҳам қизғин ва ҳалқонли ўтади деб йайлаймиз. Чунки ҳамма ишлар ва қишлоқларимизда меҳнаткашлар азиз меҳмон-ларни сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Ўқинилик халқларимизнинг қадридонлиқ тўғйуларини, яқинлигимиз-ни, адабиёт ва санъатларимиз равоқини намоиш қилажак.

Асқад МУХТОР.

ДЎСТЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Украина санъати ва адабиёти ўн кўнлиги икки буюк халқ-укра-ин ва ўзбек эдилари-нинг дўстлик байра-мидир. Ўн кўн мобай-нида шахримиз осмо-нида, қишлоқларимиз боғлари устида дўст-лик қўшиқлари ян-райди. Биз — бастакорлар ҳар қачон кишиларнинг қалбига йўл топишни бир-биримиздан ўрганиб келганмиз ва бундан кейин ҳам ўрганаверамиз.

Платон Майборода фақат Украинадагина эмас бутун Иттифоқ-да ҳам ўзининг аjoyиб куй ва қўшиқлари билан машҳур композит-тордир. Унинг басталган қўшиқлари ҳамманнинг қалбига яқин ва азиздир.

Украинанинг таъқиқли композиторлари Андрей Штогаренко, Глеб Таранов, Лев Колодулар ҳам шахримизда меҳмон буладилар. Ўтган йили бўлган «Тошкент музика баҳори» фестивалида қардош республиканинг моҳир бастакорлари қатори Степан Турчан, Владимир Кожухарь каби талантли дирижёрлар ҳам иштирок эт-ган эдилар. Бугун эса улар тагин ташриф буюрдилар.

Декадага Николай Ворзулев, Дмитрий Гнатюк, Белла Руденко, Зоя Христич каби истеъдодли артистларнинг қатнашиши кўлаб санъат шинавандаларини хурсанд қилмоқда.

Ўн кўн мобайнида театр залларида, гуллаган бог-роғлар қўйин-да дўстлик қўшиқлари янрайди. Биз украин халқининг ҳамкасбларимиз — бастакорларини-чин қалбдан қутлаймиз.

А. ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон композиторлар Союзининг раиси.

АБАДИЙ ДУСТ,

ҲАЁТ НАФАСИ

Украиналик мўйқалам усталари декадага аjoyиб совға билан келдилар. Тошкентдаги Марказий виставка залида украин расмоларининг катта кўргазмаси очилди. Украинанинг таниқли расмолари Т. Яблонская, Н. Рябинин, Л. Витковская, Г. Павлюк ва бошқалар ўқувчиликка ўзларининг ҳаётини полотнолари билан қатнашди.

Биз украинalik ҳамкасбларимиз ижодини қадрлаймиз ва севामиз. Улар орасида ўз полотнолари билан минглаб санъат шинавандаларини қойил қолдирган аjoyиб расмолар бор.

СССР расмолар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Татьяна Яблонскаянинг «Нон» картинаси айниқса, чуқур таассурот қолдирган менда. Бу расмда ҳаёт нафаси туркираб туради. Унинг «Эркинлик» деб аталган янги асари ҳам тинч бўёқлари, контраст ранглари билан кишини қойил қолдиради. Асарда шу кунининг қахрамонлари — коммунизм курувчи ёшларининг кураш ва озу-умидлари, шодликлари чуқур акс этган.

Г. Павлюк, Л. Витковская каби ёш расмолар ўз асарларида украин халқининг озу-истакларини тасвирлайдилар. Бу полотноларда жонанок Украинанинг шовуллаб турган буюдозорлари, ямшиш ўрмонлари тасвирланган. Ҳар бир расмин кўрар экансиз, азалдан меҳнаткаш украин халқининг кураш ва ғалабаларининг шодиқ бўласиз.

Ҳамма республикада бўла-ниқ Украинада ҳам тасвирий санъат усталари сафига янги-янги ёш талантлар келиб қўшилмоқда. Декада муносабати билан виставкага қўйилган расмлар орасида ҳали кўпчиликка танилмаган, аммо ёрқин истеъод эгаси эканлиги кўриниб турган ёш расмоларнинг ҳам асарлари намойиш қилинишга ишонамиз.

Халқлар орасида ижодий ало-

қаларнинг юксалиши ҳар иккала эл учун ҳам тараққиёт босқичи бўлиб хизмат қилади. Украина билан Ўзбекистон расмолари ижодий алоқасининг ўз тарихи бор. Кўп йиллардан бери республикамиз расмоларининг асарлари Украинада, украин мўйқалам усталарининг полотнолари эса Ўзбекистонда бир неча марта намойиш қилинган. Бундан икки йил илгари бўлиб ўтган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. 1963 йилда Тошкент, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларда Украина расмоларининг ижодий виставкаси очилган эди. Виставкани минглаб томошабинлар кўрди. Украина санъаткорлари ўзлари билан бирга Днепр водиларини олиб кетгандай эдилар. Томошабинлар виставкани кўрганларида Украинанинг бутун манзараси кўз олдида қолди.

Ўтган йили эса республикамиз плакатчилари Украинанинг расмолари «Жанговар қалам» деб номланган виставкани кўриб бўлган эдик. Шунингдек Ўзбекистон ССР халқ расмини З. Н. Ковальскаянинг шахсий виставкаси ҳам украин томошабинларининг олқишига сазовор бўлди.

Украина санъати ва адабиёти декадаси халқларимиз ўртасида бўлиб ўтган бўлиши билан ҳам бир вақтда украин халқининг ёрқин намойишига айланмак.

З. ИНОГМОВ,
расмол.

ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

Биз жонанок Ўзбекистонни, қадрдон дўст-ёронларимизни кўрганамиз беҳад шодимиз. Украина ёзувчиларининг турли алоқлари — Иван Ле билан М. Терешченко, М. Божан билан А. Ильченко — ҳуллас бу ерга аввал ҳам келган дўстларимизнинг барчаси серқуёш республика шаҳарларини, кун сайин бўстонга айланиб бораётган кишлоқларини яхши эслайдилар.

Украинанинг баъзи ёзувчилари бу ерда биринчи марта бўладилар. Лекин ишончимиз қимбатли улар ҳам бу ўлкани худди биз каби севиб қоладилар. Ўзбекистонга, унинг меҳмондўст кишиларига атаб янги асарлар ёздиладар.

Н. И. ГИРЯНОВ

УЧРАШУВЛАР, КЕЧАЛАР

Тошкент шаҳар Совети маданият бошқармаси қарорига Украина санъати ва адабиёти декадасини ўтказиш таъдирларини белгилан.

Маданият ва истироҳат боғларида, маданият уйларида меҳмонлар билан учрашувлар ўтказилди. Бу тематик кечалар «Украина музика санъати», «Украина ёзувчиларининг адабий феолиятини», «Украина ва Ўзбекистон совет халқлари қардошлик оиласида» деб номланган.

КИТОБ МУҲЛИСЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

Олесь Гончар, А. Корнейчук каби украин адабларининг ўзбек муҳлислари шахримиз кутубхоналарига марҳамат қилишлари мумкин. Шахримиз кутубхоналарида, шунингдек на муассасаларнинг ётоқхоналарида «Т. Яблонская ико-ди», «Украина поэзия нечаси», «А. Корнейчук ижоди», «О. Гончар ижоди» деган мавзуларда оғзани жуурналлар, адабий кечалар ўтказилди.

Болалар кутубхоналарида «Украина ёзувчилари — болаларга», «Украина ва Ўзбекистон» деган суҳбатлар бўлади.

САЙРГОҲЛАРДА

Меҳмонлар «Победа» паркида ўзларидан аjoyиб ёдгорлик қолдирдилар: бу ерда қардош адиб

ва санъаткорлар хотира учун дарахт нечати ўтказилди. Лекин қомсомли номиди маданият ва истироҳат боғида 28 майда «Киев кунин» бўлади. Эртасига эса Тельман номи паркида «Харьков кунин» байрам қилинади.

Киров номи маданият ва истироҳат боғининг 30 йиллик юбилейи Украина санъати ва адабиёти декадасига тўғри келди. Паркда юбилей муносабати билан ва меҳмонлар шарафига катта байрам кечаси ўтказилди.

ҲАЯЖОНЛИ ФИЛЬМЛАР

Қардош Украина кино усталари яратган ҳаётини, ҳаяжонли фильмлар ўзбек томошабинларига манзур бўлган. Декада муносабати билан «Искра», «Чайка», «Еш гвардия» ва бошқа кинотеатрларда Украина фильмлари намойиш қилинади.

«Ташкилот», «Катта ҳаёт» каби кинофильмлар томошабинларга яна бир бор тандим этилади. Шахримизнинг барча кинотеатрларида Украина кино усталари — кинорежиссёрлари ва артистлар билан учрашувлар ўтказилди. Булар орасида Д. Е. Милотейко, В. М. Иванов, Р. С. Недзвизковская кабилар бор.

Ҳуллас, гулга бурканган шахримизнинг ҳамма ерида меҳмонлар очик чехра, самимий табассум билан учиб олинади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Икки халқ санъаткорлари учрашди. Хушнов хонандалар, истеъодли рақосалар санъат сирларини бир-бирларидан ўрганадилар. Бу эса ҳар бир санъаткорнинг қамолот босқичига кўтарилишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз чехрасида қувонч барқ уради.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.



ҚАДАШЛАРИНГИЗГА ҲАСАСИЯТ!

Серқуёш республикамиз пойтахти Тошкентда украин адабиёти ва санъати декадаси ўтказилиши биз деҳқонларнинг ҳам қалбларимизга чексиз ҳур-сандиқлик бағишлади. Бу декада кўн-қардошлигимизнинг қўшайди парол, то қолларидек юксак, денгиздай чуқур, метиндай мустақам дўст-лигимизнинг ёрқин тимсолидир. Май ойн чинакам байрам ойнага айланиб кетди. Украин адабиёти ва

санъатининг Тошкентда намойиш этилиши ана шу қўтлуқ байрамларнинг давоми бўлиб, кўн-қардошлигимиз ўлка бўйлаб ҳамоҳанг янрагандай.

Биз украинalik ёзувчи ва шоирларини, машҳур санъат усталарини икки кўн-қардошлик қўшайди қўйиб, марҳабо деб қўтиб олар эканамиз, уларнинг ижодий ишларида катта муваффақиятлар, сизаҳ-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

Украиналик қардон дўстлар, Тошкентда бўлган кўн-қардошлигимизнинг қўшайди ҳам меҳмон бўлиб келинг. Гур-

кираётган қишлоғимизни, яшнаётган боғларимизни, қўлғ уриб ўсаётган пахтазорларимизни сайр этиб томоша қилинг. Ана шунда сизларнинг қайноқ ижодларингиз, янгироқ қўшиқларингиз, қувонқ расмларингиз бизнинг ҳам қалбимизга меҳр билан сингиб кетганлигини кўрасиз.

Қадамларингизга ҳасанот, украинalik қон-қардошлар!

А. МАТКОБУЛОВ.
Оржоникизе районидagi «Кизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қахрамони.

ҚАДРДОН

Эрта баҳор пайтини, ёни биздаги таъбир билан айтганда «янабаҳор»ни, унинг навири-нон шабадаларини, осмоннинг яриниғача порлатган шаффоф тоғларини ниҳоятда яхши кўраман. Тўрхан оролидаги қишдан чиққан қишлоқ тоғларига жон киради. Днепр ортидаги бобоён йироқлиқлар тоғининг сувларини муштоклик билан қўтиб оқариб ётади... Мартнинг намхуш шамоллари жўшқинилиб Киевдаги Владимирия Горага қараб интилади, шу пайтгача қалбнинг аллақайси тереңлиқларида мудрок босиб ётган самимий, азиз ва унутилабган қўн-қардошлик нафаси тегини билан эса яна уйғониб сиртга таппаётган ҳисларни қўзғатади...

Усмон ва Марта! Улар ҳозир қаерда экан? Уларнинг тандирини нима бўлди экан? Кивеннинг эндиғина уйғониб келатган худди ана шу майин илк саҳари нечун ҳаргал уларнинг менинг ёдимга солиб қўйди?

Бу воқеа Латвияда бўлган эди. Кўп кунли ҳужумдан сўнг фронт шариғида тинчликни қўриқувчи йўлсизликдан кейин ниҳоят дам олишга рухсат бўлди. Биз батареямиз билан қайин дарахтзорлари ва ботқоқлиқлар орасига яширинган ярим хароба бир хуторда қўлдик. Хутор оғаси у қалар қўшмуомала одам эмаслиги биланиб турар эди. Унинг хотини ҳам ўзини ниҳоятда кам гап ва сипоҳ тутар эди. Аммо лекин уларнинг қизи — малла сочили ҳали жуда ёш қизалоқ жангчиларимизга очик қўнғил билан боқар ва қўшнларимиз уларнинг хуторга келганидан севинганини яширолмасди.

Қизнинг исми Марта экан. Серҳаракат, оёқ-қўли қаққонгина бу қиз узун, кенг юбка ва фартурқасини ҳиллатириб ҳовлининг у томонидан бошига югуриб ишларини битказаркан, унинг ўриб қўйилган малла сочлари узокдан ҳар замон бир кўриниб қоларди. Бу ҳовли маъна шу қиз тўғрисида фаёлид бўлиб қўринар, гўё у бу ўлканинг ноҳуси манзарасига жано бериб турарди.

Ҳар биримиз минглабча жангчиларини, душман билан омонсиз тўқнашларда ортда қолдириб келдик. Бу беаён жангларда юраклар тоғига айланиб кетини мумкин эди. Бироқ у тоғига айланиб, қўзлар гузаллик сезгиларидан маҳрум бўлмапти. Бунга, хуторга келганимиздаёқ қизларнинг ёноқлари лолдек қизарганини ва айниқса Мартанинг батарея командирининг ордераци — орамизда энг ёш ва хушрўй, сарвқомат йигит — Усмон атрофида қўнғил айтиб гирдиқалак бўлаётганини кўриб, сезиб турганимиз далил бўла оларди.

Батареямизда тарбияланган бу йигитни ҳамма жонидан севарди. У эса биздан ҳеч нарсани сир тутмас, шунинг учун ҳам бутун батарея жангчилари Усмонни бирон қиз хали бағрига босмаганини ва ундан бўса олмаганини яхши бил-

шарди. Усмон учун илк муҳаббатини сирхи-жодуларни энди бошлади. Мана энди бунинг ҳам пайти келди. Йигит ҳамманинг кўзи олдида ўзгариб қолди... Батарея машинасис шу ернинг ўзида тикиб берган тепаси қизил бежирим кубанкасинга эмас, ҳатто унинг ўзи қандайдир аjoyиб бахтли оинлар орасида қувончга тўлиб, нч-ичидан ҳам ўзгарган эди... У, қай ишга қўл урмасин ўринларини, юзларидан эса майин ва сирин табассуми аниқ келди. У автоматин тозаларкан, унга қараб қилмаяр, ўрмон ёрасида барқ уриб ўсган опшоқ, нозик қайин буталарига қараркан, яна илҳажар эди.

Усмон ўзининг Мартага бўлган муҳаббатини, қўнғилни йигитлик ҳиссини биздан яшир-

ришар, иккови ўчоқ ёнида ёш болалардек ўлтиришиб олиб, оловни пуфлашар эди. Ниҳоят кечга бориб ҳаммом қизиди. Мўри тозаловчилардек афти-башараси қурум бўлиб кетган Усмон машина ёнида турган батарея командирини томонига югурди. У катта бир хазина топан ва ўз бахтига ўзи ишонмаган кишидек нафаси ичига тикилиб, ҳовлиқиб қандайдир ички қувонч билан командир олдида қўтиб турарди.

— Ўртоқ капитан рапорт беришга рухсат этилг!

— Рапорт беравер!

— Ҳаммом тайер!

— Йўда со!

Комбат ҳам, шу ерда турганларнинг ҳаммаси ҳам Усмоннинг бу гал ниманидир айтаолмаётганини сездилар.

— Борининг мўжикли! — деди ўзи ҳам ҳали анчагина ёш бўлган комбат бироз ўйлаб тургандан кейин. — Воравер, аммо у ерда сира беаънилик қила кўрма, — дед янмайиб турган йигитни қаттиқ оғоҳ-лантирди.

Жангчилар йигитни ўраб олиб унга бу жиддий имтиҳон олдида бири оғиб, бири қўйиб ҳар хил маслаҳат берадилар.

— Дўст бўлишга бўла, аммо хафа қила кўрма. Қизининг ота-оналари олдида уятта номлайлик тагин. Эшитганимиз? Чунки сен ёшсан, у бўлса севдан ҳам ёш.

Кечкурун у Марталариникига борди. Меҳмонхона деразаси тағидан уёққа-бўёққа ўтиб юрган соқиллар унинг тағтинасига шохид бўладилар, Мартанинг ота-оналари Усмонни ўраб олганларини, ҳужайининг ўзи кўен бўладиган йигитни ясагилдан стол ёнига ўтқизиб қандайдир май ичраётганини кўридилар...

Эртасига батарея йўлга чиқишга буюрқ олди. Осмонни юра булут қолади, қарға-қузаун уйиб ўйнади, шамол эса қайин дарахтларини букади. Ҳамма сафарга тайер: моторлар гуруллади, жангчилар эса машиналарга жойлашиб олдилар. Комбат соатига қаради. Мана, ҳозир у кетини қоманда бериш керак... Бирон у бутун батарея жангчилари орақдан ачиниб қараб турган бу икки ошқ-маъшўқни қўнғил тоборини истамас эди.

Ховлининг қўқ ўртасида ҳаммамиз кўзи олдида Усмон Марта билан хайрлашар эди. Улар пешайвонда хафа бўлиб қараб турган қизининг ота-оналарини, машина қузовида ўзларига тикилиб турган қўзларни сира севмасдилар: бу ошқ-маъшўқлар учун шу пайт дунёда бўларидан бошқа ҳеч нима йўқдай эди. Қизнинг ёноқларидан тинмай кўз ёшлари дуналарди. У эса шу кўз ёшлари орасидан гўё ёғир оралаб юз қўрсаган қўнғил қилмаяр, олдида турган йигитга махфи бўлгандек, қўзлари қамашгандек, севгилиснинг қўзларидан маҳкам ушлаб термуларди.

Ниҳоят комбат бу осуда онларини бузди.

Платон ВОРОНЬКО.

К У З

Хушчақчақ куз келиб, хусна тўлиб, Ер узра ёрқан рангдор дуррасин, Ҳар уйнинг олдида

Ойнадан қузинсаб ташлади раам, Зарин дарахтлари барг тўнар дув-дув: Сапарниқ, қипқизил, олтиндай, чўғдай. Қирларда қўзариб баҳорин бугдой. Ажабланиб қарар куз мўл-кўл доғга, Тоғлардан қўзғалган бутутларга ҳам... Кутуб-баракатга, шарафу-шонга Кўн-қардош қўзғалган бу бутутларга ҳам... Кўн-қардош, шоддан яшнаб боқар у Ёш-қари мендан мамун бўлсин деб. Сахий қўл билан ёнғоқ қонар у Болалар қувончга тўлсин деб.

ШУНҚОР таржимаси.

ДАРЁ БҮЙИДА

(Шевченкога)

Днепр шовулар матур, шидаткор, Она юрт меҳрини этгандек изҳор.

Тўлқинлар, тўлқинлар, қўйлаб туради. Одамлар меҳридан сўйлаб туради.

Юксакда шезёр ўқир шоир пурвиқор, Соз чалар Днепр — кекса бастакор.

Шоир шезёрларига жўр кўйлаб оқар, Украина қалбига нурдан гул тақар.

Шоир қирғоқ бўйлаб кезади аста, Дарё тўлқинига ошник — хафасда.

П. НИШОНОВ.

ДУСТЛИК ҲАҚИДА

Дарахт сийрак ўсса — Урар довулар, Дарахт қуюқ ўсса — Ўрмон шовулар. Дунёда дўст орттир Дер доно халқим, Дўстликдан забардаст Эл-юрт, овулар!

Х. ХУЖАЕВ.



